Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2022 йил
12 август,
жума
№ 33 (911)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.kuch-adolatda.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

БУТУНЖАҲОН 44-ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум этиш йўлида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намоён этиб, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этгани ва дунё давлатларининг 188 та жамоаси орасида ғолибликни қўлга киритиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур, мардлик ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

Абдусатторов Нодирбек Фазлиддин ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Вахидов Жаҳонгир Таирович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Вохидов Шамсиддин Пулат ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Синдаров Жавоҳир Санжарбекович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Якуббоев Нодирбек Муродбек ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Егин Владимир Николаевич — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Соколов Иван — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

«Келажак бунёдкори» медали билан

Бобомуродова Мафтуна Панжиевна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Маликова Маржона Абдимажид қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Омонова Умида Шухрат қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ҳамдамова Афруза Акбаровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Якуббоева Нилуфар Муродбек қизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

10 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат аъзолари, суд ва прокуратура органларининг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимномани муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Камилов саломатлиги туфайли ўз хоҳиши билан эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраб мурожаат қилган. Сенат мажлисда бўлиб ўтган муҳокама натижасида уни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раислигига номзод муҳокама қилинди.

Муҳокама якунида сенаторлар томонидан суд тизимида ҳамда маъмурий органларда раҳбарлик лавозимларида кўп йиллар мобайнида ишлаб келган Бахтиёр Джахангирович Исламов Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси этиб сайланди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунига кўра Конституциявий суднинг судьялари белгиланган муддатга сайланади.

Қайд этилганидек, амалдаги Конституциявий суд таркибининг қонун билан белгиланган амал қилиш муддати жорий йилнинг август ойида тугайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган Конституциявий суднинг янги таркиби Сенат ялпи мажлисида кенг муҳокама қилинди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Конституциявий суд судьялигига номзодлар юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Бунда янги сайланган таркиб Конституциявий суднинг амалдаги таркиби ўз фаолиятини якунлаганидан сўнг ишга киришиши белгиланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттизинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

«ОЛТИН АВЛОД»НИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

Мамлакатимизнинг ҳаво дарвозаси бўлган Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти не-не қувончли онларга гувоҳ бўлмаган дейсиз.

Аммо тарихларга татигулик улуғ ғалабага эришган шахматчиларни кутиб олиш, улар иштирокидаги дастлабки қувонч лаҳзалари, 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида кечган ҳаяжонли онлар таассуроти айнан шу ердан бошланаётганлигида ҳам бир ҳикмат бордек.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон шахматчиларининг Ҳиндистонда 188 та давлат жамоалари иштирокида ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ғолибликка эришгани барчамизга чексиз ифтихор бағишлади. Бу муваффақият халқимизнинг интеллектуал салоҳияти не чоғли баландлигини дунёга яна бир карра намойиш этди.

Пойтахт аэропорти. Соат миллари 02.30 ни кўрсатмоқда. Вақт алламаҳал бўлишига қарамасдан бу ерда ҳаёт қайнайди. Кимдир олис юртларга саёҳатга, ўқишга, ишга ошиқаётган бўлса, кимлардир жаннатмонанд юртимизга ошуфта бўлиб Ўзбекистонга келмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатни энг мураккаб ривожланиш босқичларидан айнан малакали, фидойи ва юқори профессионал уқувга эга давлат хизматчилари олиб чиқа олган.

Моҳият

Давлат фуқаролик хизмати: янги қонун ва муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар талқини

Шу маънода, Президентимиз томонидан 2022 йил 8 августда имзоланган **"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"**ги қонун давлат хизматининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотнинг тубдан янги босқичини бошлаб берди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Инсонпарварлик тамойиллари

Суд орқали ҳимояланиш кафолатлари

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексга апелляция тартибида иш юритиш институтининг киритилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Шу билан бир қаторда апелляция инстанцияси қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли эканини текшириш, процессуал қонунчилик талабларига қай даражада риоя этилганини таҳлил қилишга имконият яратмоқда.



(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Янги қонун лойиҳаси: судга мурожаат қилишни янада эркинлаштиришга қаратилган



Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Фаолият мезони

Маъмурий суд: бош мақсад — қонун устуворлигини таъминлаш



Қонун аслида адолат тантанаси тимсолида намоён бўлади, одамлар ҳам уни шу маънода англашади. Чиндан ҳам, шундай. Адолат намунаси суд жараёнида айниқса, янада яққол намоён бўлмоғи даркор. Эндиликда ушбу талабнинг амалдаги ифодаси шу тизим ходимлари фаолиятининг мезонига айланди десак, хато бўлмайди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

К.Ф. КАМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ҳамда "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилиб, Козимджан Фазилович **Камилов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

Б.Д. ИСЛАМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ҳамда "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 70-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахтияр Джахангирович **Исламов** судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига, беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимига сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

«ОЛТИН АВЛОД»НИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Биз эса Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида жонажон Ватанимизнинг шону шуҳратини оламга тараннум этган спортчиларимизни кутиб олишга чоғланмоқдамиз.

Шу муносабат билан бу ерга жам бўлган жамоатчилик вакиллари, шахматчилармизнинг ота-оналари, яқинлари, шоир ва ёзувчилар, санъатимиз дарғалари, журналистлар — барча-барчанинг кўнглида оламолам завқ ҳаяжон.

Шахмат олимпиадасида зафар қучган шахматчиларимизни олис Деҳлидан олиб келаётган самолётнинг муаззам пойтахт аэропортига қўнишига 15 дақиқача вақт бор. Гулдасталар кўтарган юртдошларимизнинг қувончи чексиз.

Айниқса, 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон номини улуғлаган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир ва Шамсиддин Воҳидовларнинг яқинлари, шунингдек, олимпиадада юртимиз хотин-қизларининг шахматдаги иқтидорини кўрсатган Нилуфар Ёқуббоева, Умида Омонова, Мафтуна Бобомуродова, Афрўза Ҳамдамова ҳамда Маржона Маликованинг ота-оналари, устозлари беҳад хурсанд.

Соат миллари 02:55 ни кўрсатди. Ғолиб спортчиларимизни Деҳлидан олиб келган HY 426 рейсли авиалайнер Тошкентга қўнгани эълон қилинди. Диллар ажиб завқдан ҳаприқади. Дунё вундеркиндлари иштирокидаги шиддатли "ақл баҳслари"да юртни шарафлаган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда аэропорт хоолига кириб келишади. Карнай-сурнай, мусиқа садолари остида Ченнай олимпиадаси қаҳрамонларига гуллар тақдим этилди.

Соғинчдан сел бўлган ота-оналар ва яқинлар шодлиги, ғолибликдан масрур шахматчиларимиз, уларнинг яқинлари дийдорлашади...

Тошкент халқаро аэропортининг кенг майдонида ташкиллаштирилган маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ғолиб шахматчиларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, кутиб олиш маросимида Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби Нодирбек Абдусатторов ушбу ғалабанинг тарихий аҳамияти, мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси не чоғли ҳаётбахш бўлаётганлигини эътироф этишди.

Шундан сўнг Ватан шаънини улуғлаган шахматчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — енгил автомобилларнинг калитлари, пул мукофотларининг сертификатлари тантанали равишда топширилди.

— Юртимизга олтин медаль билан қайтганимиздан жуда ҳам хурсандмиз. Кеча давлатимиз раҳбарининг бизга қўнғироқ қилганлиги, алоҳида табрик йўллаганлиги барчамизга катта ғурур бағишлади. Ўзбекистон шахмати тарихида биринчи марта олтин медални қўлга киритдик, — дейди Жаҳонгир Воҳидов. — Бизни қўллаб-қувватлаган барчага, Президентимизга чин кўнгилдан раҳмат айтамиз. Мана шундай қўллов, эътибор ва ғамхўрлик туфайли ғалабага эришдик.

— Ҳар бир тур жуда мураккаб кечди. Босим кучли бўлди. Бундай натижани кўрсатишимизни ўзимиз ҳам кутмагандик. Бизни дуо қилиб, қўллаб-қувватлаб турган барча юртдошларимизга раҳмат. Ўйлайманки, ғолиблик йўлимиз энди бошланди, — дейди Нодирбек Ёқуббоев.

— 44-шахмат олимпиадасини катта ҳаяжон билан кузатдим, — дейди Нодирбек Абдусатторовнинг отаси Фазлиддин Очилов. — Ҳар бир ота ўз жигарбанди Ватани учун курашишини, ғолиб чиқишини истайди. Шукр. Фарзандларимиз ишончимизни оқлади.

Шахмат олимпиадасида жасорат кўрсатган ёш спортчилар, мураббийлар, мутахассисларнинг 13 кун мобайнида 188 та мамлакатнинг энг сара, энг кучли "ақл гимнастикаси" соҳиблари билан шиддатли баҳсларда матонат кўрсатганлиги таҳсинга лойиқ.

Давлатимиз раҳбари табригида айтилганидек, ўзбек шахмат мактабининг шон-шуҳратини юксак босқичга олиб чиққан азму шижоатли, ватанпарвар ёшлар энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг "олтин фонди"дир.

Шиддатли баҳсларда 17 ёшли Нодирбек Абдусатторов, 20 ёшли Нодирбек Ёқуббоев, 16 ёшли Жавоҳир Синдоров, 20 ёшли Шамсиддин Воҳидов ҳамда жамоамиз фахри бўлган 27 ёшли Жаҳонгир Воҳидовдан иборат жамоа биронта ўйинда мағлубиятга учрамади.

Умумжамоа натижаларига кўра, 188 та мамлакат орасида ҳамюртларимиз олтин медалга эга чиққан бўлса, кумуш ва бронза медаллари Арманистон ҳамда Ҳиндистон жамоаларига насиб этди.

Қизлар ўртасидаги олимпиада баҳсларида Украина жамоаси олтин медаль билан тақдирланди. Кейинги поғоналардан Грузия ва Ҳиндистон жамоалари жой олди. 162 та давлат жамоалари ўртасида кечган баҳсларда ўзбекистонлик қизлар жамоаси 31-ўринни эгаллади.

Яна бир эътиборли ҳолат. Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида жамоавий баҳслардан ташқари индивидуал натижалар бўйича ҳам ғолиблар аниқландики, бунда истеъдодли шахматчиларимиз муносиб кўрсаткичларни қайд этди.

Жумладан, Жаҳонгир Воҳидов 4-тахтада ўйнаган шахматчилар ичида олтин, Нодирбек Абдусатторов 1-тахтадаги шахматчилар орасида кумуш, Нодирбек Ёқуббоев эса 2-тахтадаги шахматчилар ўртасида бронза медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга кўрсатган ғолиб шахматчиларимизнинг ёрқин ютуғи энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллик айёмига муносиб совға бўлганлигини эътироф этиш жоиз. Йиллар ўтса-да, 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг тафти, унинг шукуҳи юксалса юксаладики пасаймайди. Зеро, Ченнайдаги "салб юриш" янги-янги ғалабаларни бошлаб келса, не ажаб.

Музаффар шахматчиларимизни кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов иштирок этди.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири

Қонун ижодкорлиги

Янги қонун лойиҳаси: судга мурожаат қилишни янада эркинлаштиришга қаратилган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга суд-ҳуқуқ соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, судга шикоят қилиш муддатининг қисқалиги аксарият ҳолатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш имконини бермайди. Аниқроқ айтганда, бу омил судга мурожаат қилиш имкониятини бир мунча чекламоқда.

Шунинг учун ушбу муддатларни қайта кўриб чиқиш ва узайтириш бўйича кенг жамоатчилик, ижтимоий тармоқ вакиллари томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар, шунингдек, суд амалиёти таҳлили натижалари бу борада тегишли чора-тадбирларни жорий этиш заруриятини кун тартибига қўйди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Иқтисодий процессуал кодекснинг 262-моддасига кўра, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Бироқ амалиётда тадбиркорлик субъектлари турли сабабларга асосан апелляция шикоятини икки ойлик муддат ичида беролмаётгани, бу эса, биринчи инстанция суди қарори устидан юқори инстанция судларига шикоят қилиш ҳуқуқларини чеклаётган ҳолатлар кўпайиб бормоқда. Шу боис тадбиркорлик субъектлари ушбу муддатни олти ойга узайтиришни таклиф қилишмоқда.

Бундан ташқари Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддасида маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу даъво муддатининг ҳам қисқалиги, аксарият ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш имконини бермасдан, судга мурожаат қилиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Шу сабабли кенг жамоатчилик бу муддатни ҳам узайтириш бўйича таклиф ва фикр-мулоҳазаларни илгари сурмоқда.

Бу, ўз навбатида, судга мурожаат қилишни янада эркинлаштириш, аҳолининг одил судловдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида давлат органлари қарори устидан судга шикоят қилиш муддатини олти ойгача узайтиришга зарурат юзага келганидан далолатдир.

Юқорида баён этилган муаммоларни бартарф этиш, судга мурожаат қилиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий суд томонидан **"Судга мурожаат қилишни янада эркинлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан **Иқтисодий** процессуал ва **Маъмурий** суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга:

биринчидан, иқтисодий суд ишларини юритишда апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати, шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечиктирмасдан берилиши белгиланган икки ойлик муддатни олти ойга узайтириш;

иккинчидан, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишнинг **уч ойлик муддатини** олти ойга узайтиришга оид ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Бу тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш баробарида уларнинг бузилган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя этишга муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Маълумки, **"Давлат божи тўғрисида"**ги қонунда давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризалар (шикоятлар) бўйича фуқаролардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишини кенгайтириш мақсадида фуқаролар томонидан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли идораларнинг хатти-ҳаракатлари устидан маъмурий судларга бериладиган аризалардан ундириладиган давлат божи миқдорларини камайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларга кўра, 2020 йилда маъмурий судлар томонидан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли идора ва мансабдор шахсларнинг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш, уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топишга доир 6 минг 920 та иш кўриб чиқилган. Бу ишларнинг 5 минг 257 таси қаноатлантирилган. 2021 йилда бу рақамлар 5 минг 761 тани ташкил этиб, шундан 3 минг 538 таси қаноатлантирилган.

Таҳлилларга кўра, маъмурий судлар ушбу тоифадаги низолар бўйича кўриб чиққан ишларнинг 90 фоизидан ортиғини айнан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракати ё ҳаракатсизлиги юзасидан берилган ариза ва шикоятлар ташкил этмоқда.

Ушбу тоифадаги низолар бўйича бериладиган аризалардан давлат божини камайтирилиши фуқароларга одил судловга эришиш учун янада қулайликлар яратади.

Шу муносабат билан Олий суд томонидан **"Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Айни пайтда ҳар икки қонун лойиҳаси юзасидан манфаатдор вазирлик ва идораларнинг таклиф ҳамда мулоҳазалари олинмоқда.

Шундай қилиб, амалдаги қонунларга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар:

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлашга;
- турли сабабларга кўра, вақтида шикоят қила олмаган тарафларнинг суд қарори устидан шикоят қилиш имкониятини кенгайтиришга;
- давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари судлар орқали ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтиришга;
- фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини, аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Шербек НАЗАРОВ,
Олий суд бўлим бошлиғи

Фаолият мезони

Маъмурий суд: бош мақсад — қонун устуворлигини таъминлаш

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айтиш керакки, Хоразм вилояти маъмурий судида йилнинг ўтган даврида оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 609 та маъмурий иш кўриб чиқилди. Ибратли жиҳати шундаки, муҳокама этилган 227 та маъмурий ишни кўриш жараёнида бевосита фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди, бу борадаги мурожаатларнинг бари асосли деб топилди ва тўлиқ қаноатлантирилди.

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, "GURLAN BARAKA TEKS" масъулияти чекланган жамияти ва Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси ўртасида биринчи ҳамда аппеляция инстанциясида кечган суд жараёнларида адолат тантанаси яққол намоён бўлди.

Аслида калаванинг учи 2021 йилнинг 17 ноябрида вилоят Давлат солиқ бошқармаси раҳбари томонидан имзоланган 1116-сонли қарорга бориб тақалди.

Ушбу ҳужжатга кўра, "GURLAN BARAKA TEKS" масъулияти чекланган жамиятидан қўшимча ҳисобланган солиқ тўлови, жарима ва пенялар бўйича жами 257,4 миллион сўм миқдоридаги тўловни тўлаш талаб қилинган. Бу солиқ тўлови, жарима ва пенялар корхонанинг 2019 йилнинг октябридан 2021 йилнинг июль ойигача ўтган даврдаги фаолияти давомида юзага келгани баён қилинган. Бироқ корхонанинг 2020 йилнинг январь ойидан 2021 йилнинг март ойигача бўлган фаолияти юзасидан солиқ бошқармасининг 2021 йил 8 майдаги 359-сонли ва 10 июнидаги 1473- сонли буйруқларига асосан аввал ҳам текшириш ўтказилган ҳамда тегишли тартибда молиявий таъсир чоралари қўлланилган. Вилоят солиқ бошқармаси раҳбари имзолаган юқоридаги қарор икки марта текширув натижасида корхона зиммасига бир давр учун иккита молиявий тўлов мажбурияти юклатилганидан далолат беради.

Ишни судда кўриш жараёнида Солиқ бошқармаси "GURLAN BARAKA TEKS" масъулияти чекланган жамияти фаолиятига доир текширувларни ўтказиш ва унинг натижасига кўра, молиявий жазо чораларини қўллаш борасида бошқа қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйгани маълум бўлди. Масалан, бошқарманинг 2021 йил 22 октябрдаги 1027-сонли буйруғи амалдаги тартибга биноан интернет тармоғи рўйхатидан ўтказилмаган. Бундан ташқари ушбу корхона фаолиятини текшириш муддатларини узайтиришга оид буйруқлар ҳам ноқонуний чиқарилган. Шу боис суд Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармасининг нотўғри тўловларга сабаб бўлган 1116-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топди. Шунингдек, вилоят Давлат солиқ бошқармаси зиммасига тадбиркорлик субъектида ўтказилган камерал текширув жараёнида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатларни қонунчилик меъёрлари асосида қайта кўриб чиқиш мажбурияти ҳам юклатилди.

...Адолат меъёрларининг бузилиши нотўғри ташланган қадамлардан бошланади. Хива шаҳрида айнан шундай ҳолат юз берди. Масъуллар дастлаб тадбиркор Индира Отажонованинг номига 150 квадрат метр саҳнли ер майдонини ажратиб бериш юзасидан шаҳар ҳокимининг 2020 йил 4 февралдаги 365-сонли қарорини ўзгартириш пайига тушишди. Ҳоким қарорига мувофиқ тадбиркор аёлга шаҳардаги "Дўстлик" маҳалласидан тегишли ер майдони ажратиб берилгани, бироқ орадан кўп ўтмай ушбу ҳудуд номи янгиланиб, "Тозабоғ" деб аталганини пеш қилишди. Маҳалланинг қайта номланган ҳоким қарорини ўзгартириш учун асос бўлишини таъкидлашди.

Охир-оқибат натижа шу бўлдики, 2022 йилнинг 18-февралида ҳокимнинг 44-12-217-Q/22-сонли янги қарори қабул қилинди. Унга кўра, И.Отажоновага шаҳарнинг номи янгиланган "Тозабоғ" маҳалласидан 150 квадрат метр саҳнли майдон, яъни аввалги қарорда кўрсатилган ўрнини унга қайта ажратиб бериш кўзда тутилди.

Бироқ энди ҳоким қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳужжатда кўрсатилган ер майдонини тадбиркор аёлга хатлаб беришнинг имкони йўқолди. Чунки туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжатларни қабул қилишга доир ваколатлари Президентимизнинг 2021 йил 8 июндаги **"Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони 4-бандига мувофиқ, 2021 йилнинг 1 августидан эътиборан бекор қилинган. Бинобарин, шундай экан, шаҳар ва туман ҳокимларининг ер участкаларини ўзгалар тасарруфига беришга доир ваколатлари бекор қилинганидан сўнг улар томонидан ушбу мазмунда чиқарилган қарор ҳақиқий ҳисобланмайди.

Табиийки, суд бундай вазиятда қонун талабига суянади. Адолат ва одиллик тамойили туфайли И.Отажонованинг ҳуқуқлари дахлсизлиги таъминланди.

Хонқалик Ш.Нурматованинг судга ёзган аризасида болаликдан биринчи гуруҳ ногирони бўлган фарзанди Жамолиддин Авазматовни 2008 йил декабридан 2016 йил сентябрь ойига қадар узлуксиз парваришлагани, бироқ Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Хонқа тумани бўлимида ушбу муддатни пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига қўшиб ҳисоблашдан бош тортишганини баён этган ва бўлимнинг мансабдор шахслари зиммасига ушбу даврни меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Судда кўрсатма берган жавобгар ташкилот вакили Б.Қаландаров Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган **"Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 65-бандида I гуруҳ ногирони ёки 16 ёшгача ногирон болага, шунингдек, 80 ёшга тўлган кексаларга қараб туриш вақти, қараб туришнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномаси, ногиронликда бўлганликни, ёшни тасдиқлайдиган ҳужжатлар ва ўзганинг парвариши зарурлиги тўғрисидаги даволаш муассасасининг тиббий хулосаси асосида белгилаш кўзда тутилганини тан олди. Лекин Пенсия жамғармасининг туман бўлими боқимандалиги исботланган шахсни парваришлашнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш далолатномасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумот ва қараб турилган шахслар, шунингдек, уларнинг қўшниларидан ҳар 12 ойда 1 марта сўраб чиқиш асосида расмийлаштирмаганини қайд этди.

Ушбу ҳужжат мавжуд бўлмаган вазиятда фуқаронинг меҳнат стажини ҳисоблаш ҳақидаги талабини қаноатлантиришнинг ҳам иложи йўқ. Бундан кўринадики, муаммо бевосита Пенсия жамғармаси туман бўлими тарафидан ҳар 12 ойда 1 маротаба расмийлаштирилиши зарур бўлган далолатномага бориб тақалади. Бундай вазиятда айбни ўз зиммасидан соқит этиш ва расмийлаштирилмай қолиб кетган далолатнома учун масъулликни ўзи эмас, балки оддий фуқаронинг зиммасига юклаш инсофдан эмас. Суд масаланинг шу ва бошқа қонуний жиҳатларини назарда тутган ҳолда низонинг ечимини таъминлади. Унга биноан фуқаро ҳақ бўлиб чиқди. Суд қарорига асосан Пенсия жамғармаси Хонқа тумани бўлимига Ш.Нурматованинг 2008-2016 йиллардаги меҳнат фаолияти (болаликдан 1-гуруҳ ногирон фарзанди Жамолиддин Авазматовни параваришлаш даври)ни пенсия тайинлаш учун умумий иш стажига қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш суд фаолиятининг бош мақсади саналади. Баён этилган тафсилотлар бунинг амалдаги намунасидир.

Жамила СУЛТОНОВА,
Хоразм вилояти маъмурий суди раиси



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ:
янги қонун ва муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар талқини

◀ (Бошланиши 1-бетда)

ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД НИМА?

Мамлакатимизда давлат хизматининг ҳуқуқий асослари Конституция ва кўплаб қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг 2-моддасига кўра, **давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.**

Бундан ташқари Конституциямизнинг 7-моддасига мувофиқ, **халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.**

Айтиш керакки, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш негизида ушбу конституциявий нормалар талаблари ҳам эътиборга олинган.

ҚОНУННИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ

Янги қонун Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан тадбиқ этилади.

Ўз навбатида, қонуннинг 3-моддасида бир қатор тоифа хизматчиларга нисбатан ушбу қонуннинг тадбиқ этилмаслиги ҳам тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу қонуннинг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, судьялар ва суд тизими ходимлари, Марказий банк бошқаруви аъзолари, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона хизмати, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчилари, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар, давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ходимларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

Бундан ташқари қонуннинг 24 ва 43-моддалари дипломатия хизмати ходимларига, 43-моддаси Марказий банк ходимларига нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ушбу қонуннинг яна бир ўзига хос жиҳати — унда давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари келтириб ўтилганидадир.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари қуйидагилар:

давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги;

қонунийлик;

адолатлилик;

халққа хизмат қилиш;

давлат органларининг ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

холислик, профессионаллик ва компетентлик;

давлат фуқаролик хизматига киришда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши принципларидан иборат.

МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНИ

Давлат фуқаролик хизматида қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги махсус ваколатли давлат орган сифатида белгиланмоқда.

Мазкур махсус ваколатли давлат органининг аниқ ваколатлари кўзда тутилган. Жумладан, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат органларининг кадрлар сиёсати соҳасидаги фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;

давлат фуқаролик хизматини ривожлантириш жараёнлари ва истиқболларининг мониторинги ҳамда таҳлилини амалга оширади, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг инновацион усулларини жорий этади;

давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичларига оид ўлчанадиган индикаторлар тизимини жорий этади ва уларнинг натижаларини таҳлил қилади, жамоатчилик фикрини ўрганади ҳамда давлат органлари раҳбарларининг очиқ рейтингини шакллантиришда иштирок этади;

кадрларни давлат фуқаролик хизматига танлов асосида қабул қилишни ташкиллаштиради;

давлат фуқаролик хизмати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади ва уларни изчил такомиллаштириб боради, давлат фуқаролик хизматчиларининг шахсига доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради;

давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади;

давлат фуқаролик хизмати соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади, мазкур соҳада мамлакатимизнинг халқаро шартномаларини тузишда иштирок этади.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Қонуннинг 11-12 моддаларида давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Давлат фуқаролик хизматчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

● ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусияти ва мураккаблигига, бажарилган ишларнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш;

● касбий компетенциялари ва алоҳида хизматлари учун рағбатлантирилиш;

● давлат органининг маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан мунтазам равишда малакасини ошириб бориш;

● меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда шартларда меҳнат шартномасига ўзгартишлар киритиш ва шартномани бекор қилиш;

● ўз мансаб ваколатлари, хизмат мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгиловчи лавозим йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

● меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлган иш ўрнига эга бўлиш;

● иш вақти давомийлигининг чегарасини, айрим давлат фуқаролик хизматчилари учун қисқартирилган иш вақтини белгилаш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, шунингдек, йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминланадиган тарзда дам олиш;

● қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниш, давлат пенсия таъминотини олиш;

● давлат органининг қонунга хилоф қарорлари ва унинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш;

● давлат органи раҳбариятининг ноқонуний топшириқ ва талабларини бажаришдан бош тортиш;

● давлат фуқаролик хизматидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар берган тақдирда, давлат ҳимояси билан таъминланиш;

● хизматга оид масалалар юзасидан давлат органининг раҳбариятига ўз фикрини билдириш, ўзи давлат фуқаролик хизматини ўтаётган давлат органининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

● ўзининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат органининг раҳбарияти ҳамда бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳурмат қилиниши;

● давлат органи томонидан қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборилган тақдирда, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда давлат фуқаролик хизмати лавозими ва иш ҳақининг сақланиб қолиши;

● қонунчиликда белгиланган тартибда давлат фуқаролик хизматини ўташ вақтида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ва маънавий зиённинг компенсация қилиниши;

● ўзининг меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш;

● давлат фуқаролик хизмати масалалари юзасидан махсус ваколатли давлат органига мурожаат қилиш;

● ўзининг шахсий ҳужжатлари тўплами билан танишиш.

Давлат фуқаролик хизматчиси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қонунда давлат фуқаролик хизматчисининг мажбуриятлари ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Хусусан, у:

Мамлакатимиз Конституцияси, қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одобахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши;

ушбу қонунда белгиланган давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши;

давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан) шу жумладан, ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, нохолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши;

ўз хизмат мавқеидан шахсий ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланмаслиги, шунингдек, ўз хизмат фаолиятига, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларнинг фаолиятига қонунга хилоф таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслиги;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги талабларга риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида олинган мазкур маълумотларни ошкор қилмаслиги, шу жумладан, давлат фуқаролик хизматчисининг фаолияти тугаганидан кейин ошкор этмаслиги;

қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши;

давлат мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

ўзининг касбий компетенциясини мунтазам равишда ошириб бориши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИ НИМАЛАРГА ҲАҚЛИ ЭМАС?

Қонуннинг 13-моддасида давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қайд этилган.

Биринчидан, давлат фуқаролик хизматчиси ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат органида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига ёки унинг назорати остида бўладиган давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллашга ҳақли эмас (бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно).

Иккинчидан, давлат фуқаролик хизматчиси педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Ҳар икки ҳолатда ҳам қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар мустасно этилади.

Учинчидан, давлат фуқаролик хизматчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, хусусан, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси ва иштирокчиси бўлишга, тадбиркорлик субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга ҳақли эмас.

Бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгалик қилиш ҳоллари мустаснодир.

Тўртинчидан, давлат фуқаролик хизматчиси ўзи хизмат қилаётган давлат органи назорати остидаги ёки у билан алоқалар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлардаги улушларни, пайларни ва акцияларни бевосита ёки вакиллар орқали олишга ҳақли эмас.

Бундан ташқари давлат фуқаролик хизматчиси:

● ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

● чет давлат фуқаролигини олишга;

● қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлар, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

Шунингдек, у мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очиш ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга ҳақли эмас. Чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар, давлат фуқаролик хизматига киришдан олдин олинган ва ошкор қилинган мол-мулк бундан мустасно ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси ўзининг ваколатларини — сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари ва улар органларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширмаслиги керак.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган шахс давлат фуқаролик хизматига қабул қилинганидан сўнг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси шуғулланиши мумкин бўлмаган ҳақ тўланадиган фаолият турлари рўйхати коррупцияга қарши курашиш ва давлат фуқаролик хизмати бўйича махсус ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чекловларга риоя этмаганлик давлат фуқаролик хизматчисини қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИГА КИРИШ ШАРТЛАРИ

Қонуннинг 28-моддасида давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш шартлари келтириб ўтилган.

Давлат фуқаролик хизматига давлат тилини биладиган, давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш учун тегишли малака талабларига ва бошқа талабларга жавоб берадиган фуқаролар қабул қилинади.

Чет эл мутахассислари ва экспертлари давлат фуқаролик хизмати лавозимларини қонунчиликда белгиланган тартибда эгаллаши мумкин. Чет эл мутахассислари ва экспертларининг хизматни ўташ тартиби ҳамда шартлари тегишли шартнома асосида белгиланади.

Қонунда кимлар давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳам аниқ кўрсатилган. Хусусан:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, агар давлат фуқаролик хизмати лавозимига доир малака талабларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

суднинг қарори билан муайян муддатга давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;

коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар;

тиббий хулосага асосан соғлиғининг ҳолати давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш имконини бермайдиган шахслар;

давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бўлган, ушбу қонуннинг 13-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган чекловларга риоя этишни рад қилган шахслар давлат фуқаролик хизматига қабул қилинмайди.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ: ТУЗИЛАДИМИ ЁКИ ЙЎҚ?

Кўпгина ривожланган мамлакатлар, жумладан, Германия ва Япония тажрибасида давлат хизматчилари билан меҳнат шартномаси тузилмаслик ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Шу маънода қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири давлат фуқаролик хизматчилари билан меҳнат шартномаси тузилишига оид жиҳатларда намоён бўлади.

Қонуннинг 30-моддасига кўра, давлат фуқаролик хизматига кираётган шахс билан меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги асосида муайян ёки номуайян муддатга ёзма шаклда тузилади.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи давлат фуқаролик хизматчилари билан меҳнат шартномаси тузилмайди.

Меҳнат шартномасида давлат фуқаролик хизматини ўташнинг асос ва шартлари, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар, шунингдек, уни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга тааллуқли қоидалар кўрсатилади.

Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талаблар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ АСОСЛАРИ

Қонуннинг 50-моддасига кўра, давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш учун:

● меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

● Ўзбекистон фуқаролигининг давлат фуқаролик хизматчиси томонидан йўқотилганлиги;

● давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини давом эттириш имкониятини истисно этувчи жазога тортилганига доир суд ҳукмининг қонуний кучга киргани, шунингдек, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги суднинг ажрими;

● давлат фуқаролик хизматчисининг давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаши учун аҳамиятга эга бўлган ёлғон ахборот тақдим этилгани;

● давлат фуқаролик хизматчиси томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилгани;

● давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловларга давлат фуқаролик хизматчиси томонидан риоя этилмаганлиги каби омиллар асос бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг тугатилгани давлат фуқаролик хизматчиси ҳуқуқий мақомининг йўқотилишига сабаб бўлади.

ҚОНУННИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Мамлакатимиз тарихида давлат хизматига оид яхлит қонун — **"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"**ги қонун биринчи марта қабул қилинди.

Бунга қадар ҳам давлат хизматига оид бир неча қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган, бироқ Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳали бирор марта давлат хизмати тўғрисида ягона қонун қабул қилинмаган эди. Зеро, барча ривожланган давлатларда давлат хизматига оид муайян яхлит қонунлар мавжуд.

Шу ўринда ривожланган давлатлар, жумладан, Японияниг бу борадаги тажрибасига назар солсак, давлат хизмати тўғрисидаги қонуннинг асосий мақсад-муддаоси давлат хизматчилари том маънода фақат давлатга ва халққа хизмат қилишига оид кафолатлар ҳамда хизмат муносабатлари механизмларида намоён бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда давлат бошқаруви органларининг демократик тамойиллар асосида босқичма-босқич модернизация қилинишининг мантиқий давоми, мазкур йўналишдаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим натижасидир. Қонун, бир томондан, давлат хизматидаги ҳуқуқий ислоҳотларни янада такомиллаштиришга кенг йўл очса, иккинчи томондан, давлат хизматчиларининг халққа виждонан ва ҳалол хизмат қилишини таъминлайди.

Жўрабек НЕЪМАТОВ,
юридик фанлар доктори

Тарих тилсимлари

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲИНДИСТОНЛИК УСТОЗИ

Буюк бобоколонимиз ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида бир қатор Шарқ алломалари, мутафаккирлари, шоиру фозилларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Шулардан бири Амир Хусрав Деҳлавийдир.

Хусрав Деҳлавий Озарбойжон шоири Низомий Ганжавий тамал тошини қўйган "хамса"чилик анъаналарининг давомчиларидан бири саналади. Маълумотларга кўра, унинг отаси Сайфиддин Маҳмуд асли шаҳрисабзлик бўлиб, мўғуллар босқинидан жон сақлаб қолиш учун туркий сулолалар бошқараётган Ҳиндистонга кўчиб борган. Деҳли султони Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236 йиллар) уни саройга таклиф қилиб, амирлик унвонини берган. Шу боис Хусрав Деҳлавийнинг исмига "Амир" унвони қўшиб айтилади.

Асли исми Яминиддин Абул Ҳасан Хусрав Деҳлавий 1253 йилда Деҳли яқинидаги Патиёла шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан илм-фан, ижодга ҳавасманд бўлиб улғайган. Амир Сайфуддин Маҳмуд мўғулларга қарши жанглардан бирида ҳалок бўлгач, саккиз ёшли Хусрав бобоси Имодулмулк қўлида тарбия топади ва ўз даврининг билимдон кишиси, забардаст шоир бўлиб етишади. Ижодкор ўз келиб чиқиши борасида фахр билан "Мен Ҳиндистон туркийлариданман, аммо ҳинд тилини сувдай биламан", деб ёзган.

Деҳли ҳукмдорларининг саройида хизмат қилиб, кўплаб ғазал, қасида ва маснавийлар ёзган Хусрав Деҳлавий Низомий Ганжавийнинг "Хамса" асарига жавобан 1299-1301-йилларда "Нурларнинг манбаи", "Ширин ва Хусрав", "Мажнун ва Лайли", "Саккиз жаннат", "Искандар ойнаси" каби достонларини яратади.

Хусрав Деҳлавий "Хамса" достонларида ўзининг ҳаёти, кечмиши, орзу-умидлари ва ҳисларини ҳам баён этиб кетади. Хусусан, "Мажнун ва Лайли" достонини ёзаётган пайтда 1299 йилда унинг ҳаётида бахтсизлик рўй беради. Бу ҳодисани Деҳлавий достонида афсус билан тилга олади:

"Бу йил менинг икки юлдузимнинг нури сўнди. Ҳам онам, ҳам инимдан айрилдим. Менинг забун бахтимдан икки ҳафталик иккита тўлин ойим йўқолди".

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Хусрав Деҳлавийнинг кўп шеърлари халқ орасида қўшиқ бўлиб кетган. Ҳиндистоннинг буюк жамоат арбоби Жавоҳарлал Неру шоирнинг қўшиқлари ҳақида "Унинг қўшиқларини ҳозир ҳам тез-тез куйлаб туришади. Мен олти юз йил илгари ёзилган ва шу кунгача оммабоп бўлиб, халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган бундан бошқа қўшиқларни билмайман", деб ёзган эди.

Ҳазрат Алишер Навоий Хусрав Деҳлавий ижодига юксак баҳо бериб, уни "ҳинд сеҳргари" — "назм бешасининг ғазанфари, дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави" деб атайди. "Хамса"нинг барча достонларида Хусрав Деҳлавий номини Низомий билан ёнма-ён зикр этиб, уни ўзига хос сўзлар, таърифу тавсифлар билан ёдга олади. Масалан, "Ҳайратул-аброр"да шундай дейилган:

Ҳиндуви чобуқ демаким, ройи ҳинд,
Килки учи мамлакатороийи ҳинд.
Назми саводи аро ҳар достон,
Ўйлаки, бир кишвари Ҳиндустон.

(Уни ҳинд чавандози атаб бўлмайди, уни ҳинд рожаси деб аташ керак. Унинг қалами учи ҳинд мамлакатининг кўркидир. Шеъриятидаги ҳар бир достон Ҳиндистоннинг бир вилояти — кишварига тенгдир).

"Фарҳод ва Ширин" достонида ҳазрат Алишер Навоий Ҳиндистонни мушки анбар ҳидларини таратиб турувчи хушбўй тунга, Деҳлавийни ана шу тун бағрида сайраётган хушнаво булбулга ўхшатган:

Агар булбул десанг, Ҳиндустон — тун,
Қаро зулмат дема, анбарфишон тун.
Бу андоқ тун аро шабхез булбул,
Шабистон ичра шўрангез булбул.

Хусрав Деҳлавий тўртта шеърий девон тузган. Бу ҳақда Алишер Навоий "Ҳазойинул-маоний" девонининг дебочасида тўхталиб ўтган. Алишер Навоийнинг ғазалнавислик соҳасида оламшумул ютуқларни қўлга киритишида Хусрав Деҳлавий тажрибаларининг ҳам илҳомбахш таъсири бўлган. У қитъаларидан бирида Деҳлавийни ғазал бобида энг буюк устозлари Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомий қаторида санаб ўтган:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли...
Бири Мўъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.

Бундан ташқари Алишер Навоий Хусрав Деҳлавий ҳақида "Насойим ул-муҳаббат" асарида ҳам бир қатор олим ва шайхлар қаторида батафсил тўхталиб ўтган:

"Лақаби Яминуддиндур. Отаси Лочин қабиласининг улуғларидин эрмиш. Балх навоҳисида ҳамоноки, они Ҳиндустонда машҳурдурки, турк дерлар". Алишер Навоийнинг ёзишича, Хусрав Деҳлавий Деҳли султони Муборакшоҳ Хилжий вафотидан кейин ислом оламида донг таратган ҳиндистонлик мутафаккирлардан бири Шайх Низомуддин Авлиё хизматига киради.

Хусрав Деҳлавий ёшлик чоғида буюк форс шоири Шайх Саъдийнинг ҳам суҳбатига мушарраф бўлган, кейин умри давомида ўша лаҳзаларни фахр билан эсга олиб юрган.

Маълумотларга кўра, Хусрав Деҳлавий 1325 йилда Деҳли шаҳрида вафот этган. Шоир ўз устози шайх Низомиддин Авлиё қабри ёнида дафн қилинган. Ҳозирги вақтда шоирнинг қабри Ҳиндистоннинг энг гавжум ва мунаввар зиёратгоҳларидан бири ҳисобланади.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Қизиқарли фактлар

Афсунгарлар қутқарган генерал

ёхуд ғаройиб махфий амалиёт

1981 йилнинг 17 декабрида Италиянинг Верона шаҳрида фавқулодда воқеа юз беради. Кечки пайт америкалик генерал Жеймс Доузер яшайдиган хонадонга ўзларини сув тармоғи чилангари сифатида таништирган икки киши келади. Ҳеч нарсадан хавфсирамаган генерал уларни ичкарига киритади.

Бироқ "чақирилмаган меҳмон"лар кутилмаганда генералга ташланишган ва уни ҳушидан кетгунча дўппослашган. Шундан сўнг уй соҳибасининг оғзига латта тиқиб, уни ювиниш хонасига боғлаб қўйишган. Беҳуш генерални эса, сандиққа солиб, номаълум жойга олиб кетишган... Бир қарашда дедектив асарлардаги воқеаларга ўхшаб кетадиган бу ҳодиса тарихга энг сирли ва шов-шувли махфий амалиёт сифатида муҳрланди.Қуйида шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Ўша кезларда АҚШнинг ҳарбий арбоби, генерал-майор Жеймс Доузер НАТОнинг Европадаги жанубий қўмондонлик штаби бошлиғининг ўринбосари эди. Италияда фаолият юритган "Қизил бригада" террорчилари содир этган бу ҳодиса АҚШ ҳукуматини оғир аҳволга солиб қўйди. Ўша куни тунидаёқ Федерал қидирув бюроси, Давлат департаменти ва Мудофаа вазирлиги вакиллари шошилинч йиғилиш ўтказишди. Бироқ қизғин баҳс-мунозараларга қарамай, Доузерни қутқариш амалиётини ташкил этиш ва бошқариш борасида яқдил фикрга келинмади. Аммо эртаси куни АҚШ армияси Разведка ва хавфсизлик бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Алберт Стаббилбайн билдирган ғаройиб таклиф ҳукуматнинг юқори доирасида расмий равишда маъқулланди. "Қишки ҳосил" деб номланган махфий махсус амалиётни амалга ошириш афсунгар ва фолбинларнинг мистик тажрибалари, шунингдек, замонавий электроника мўъжизалари билан боғлиқ ғайритабиий ҳодисаларга иштиёқмандлиги туфайли "Афсунгар" деган лақаб орттирган генерал Стаббилбайннинг ўзига юклатилди.

Махфий махсус амалиётни бажариш учун дастлаб ўғирланган генералнинг қаерда эканини аниқлаш зарур эди. Италия махсус хизматларининг "Қизил бригада" террорчи ташкилоти базаларини текшириши наф бермагани ва жосуслик фаолияти кўп вақт талаб этгани учун Стаббилбайннинг асосий умиди афсунгарларга қаратилди.

Генерал одамларнинг афсунгарлик иқтидори борасидаги илмий тадқиқот ишларини амалда қўллаётган "Менкайнд ресерч" фирмасига мурожаат этди. Ушбу фирма амалий вазифалар юзасидан мажмуавий қарор чиқарувчи бир-бирига яқин фанларнинг йирик мутахассислари ва афсунгарларни бир жойга жамлаган эди.

Бундан ташқари Стаббилбай муайян далиллар асосида бир ҳодисанинг қандай бўлиши, қай тарзда кечиши ва оқибатини олдиндан айтиб берадиган Марказий прогнозлар бюросидан ҳам ёрдам сўради. Бюрода "Менкайнд ресерч" фирмасининг махсус мутахассисларига Италиядаги фавқулодда ҳолат юзасидан саволлар берилиб, оддий фуқаро кийимидаги генерал Доузернинг сурати кўрсатилди. Мутахассисларнинг барчаси генералнинг тириклигини эътироф этишган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай улардан бири ўғирланган генерал яширилган уйни "кўраётгани"ни, аммо уйнинг ўзи қаерда жойлашганини аниқлай олмаётганини маълум қилди. Шунда уддабуррон Стаббилбайн "олдиндан кўра оладиган" беш нафар мутахассисни алоҳида хоналарга жойлаштириб, Доузерни хаёлан топишга уриниб кўриш ҳақида топшириқ берди. Ташқи дунёдан ажратилган мутахассисларга Италия қишлоқ ва шаҳарлари акс этган фотосуратлар тақдим этилди. Ниҳоят, янги йил байрами арафасида мутахассислардан бири ўғирланган одам қандайдир қишлоқдаги оғилда сақлаб турилганини айтди.

Шундан сўнг парапсихологлардан иборат мутахассислар махсус кенгашга чақирилди. Улардан бири оғилни "кўрсатган" бўлса, бошқаси унинг ёнида яна бир кичкина уй борлигини, учинчи уй тош билан ўралганини аниқлади. Тўртинчи мутахассис яқинроқдаги икки йўл кесишган жойга "назар солди". Уларнинг тавсифи асосида рассом ўша жойнинг манзарасини чизиб берди. Расм факс орқали Италия махсус хизматига юборилгач, ходимлар тезда расмдагига жуда ўхшаш кўплаб уйларни топишди. Устаси фаранг Стаббилбайн беш нафар кучли мутахассисни махсус хизмат ходимлари билан биргаликда Италияга жўнатди. Улар электрон разведка ёрдамида шубҳали уйларни аниқлаб, Доузернинг чекка ҳудуддаги кўп қаватли уйлардан бирида сақланаётганини маълум қилишди. Уй дарҳол топилиб, мутахассислар навбатма-навбат унинг ёнидан олиб ўтилди. Улар тутқун айнан шу ерда эканини ишонч билан таъкидлашди. Ярим кечаси ушбу хонадонга бостириб кирган ходимлар ўғирланган генералнинг борйўғи биттагина соқчи қўриқлаётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашган бўлса, тутқун генерал америкалик махсус хизмат ходимларини кўриб ақлдан озар даражада эсанкираб қолди...

Интернет материаллари асосида Олий суд катта коньсултанти Тоҳир ИСМОИЛОВ тайёрлади.

Инсонпарварлик тамойиллари

Суд орқали ҳимояланиш кафолатлари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди билиб-билмай хатога йўл қўйган, етказилган зарар ўрнини қоплаган шахсларнинг тўғри йўлга тушиб олишига сабаб бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Буни қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

"Н." масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Жумақулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ноқонуний йўллар билан жиноий бойлик орттиришни режалаштирган. У шундай ғаразли ниятда корхонага тегишли иссиқхонага ўрнатилган электрон газ ҳисоблаш ускунасига қасддан шикаст етказган. Аниқроғи, сунъий равишда ҳисоблагични тўхтатиб қўйиб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келган. Бунинг натижасида С.Жумақулов "Ҳудудгаз Навоий газ таъминоти" филиали манфаатларига 252 миллион 946 минг сўмлик моддий зарар етказган.

Биринчи босқич судининг 2021 йил 30 августдаги ҳукмига кўра, С.Жумақулов Жиноят кодексининг 185^2-моддаси 4-қисмига асосан айбдор деб топилиб, унга икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг С.Жумақуловга нисбатан чиқарилган ушбу ҳукмига Навоий шаҳар прокурори томонидан апелляция тартибида протест киритилган. Унда жиноят иши юзасидан етказилган моддий зарар судланувчи томонидан қопланмагани боис унга нисбатан оғирроқ жазо тайинлаш сўралган.

Ўз навбатида, С.Жумақулов ҳам апелляция инстанциясига мурожаат қилиб, унда газ идораси ходими Ф.Муродуллев билан ўрталарида келишмовчилик борлигини важ қилиб кўрсатган ва суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Аввалдан айтиш керакки, ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида С.Жумақулов жиноят оқибатида етказилган зарарнинг асосий қисми қопланган ҳақида тўлов паттасини тақдим қилди. Шу сабабли судлов ҳайъати прокурор протестида баён этилган масалани муҳокама қилмади.

Апелляция шикоятида баён этилган С.Жумақуловнинг важи текширилганда у асоссиз экани, газ идораси ходими Ф.Муродуллаевнинг ўз хизмат вазифасини бажаргани маълум бўлди.

Гап шундаки, С.Жумақулов 70 сотихли иссиқхонасининг 50 сотихига помидор, 20 сотихига бақлажон ва полиз экинлари эккан. Қишлоқ хўжалигида билим ва бошқа инновациялар миллий Маркази Навоий вилояти бўлимининг илмий-таҳлилий маълумотномасида 2020 йилнинг 23 октябридан 2021 йил 25 январига қадар бўлган муддатда иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириш учун иссиқлик тизимидан фойдаланмасдан туриб, маҳсулот етиштириб бўлмаслиги баён этилган.

Бироқ "Н." масъулияти чекланган жамияти иссиқхонасида қишнинг қорли-қировли кунларида ҳам икки-уч кунлаб газдан фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилган. Қолаверса, бошқа иссиқхоналар билан таққослаганда газ кам сарфлангани аниқланган. Бу С.Жумақуловга тегишли иссиқхонани текшириш учун асос бўлган.

Қонунчиликда истеъмолчилар газдан фойдаланаётган вақтида кунларнинг исталган пайтида газ идораси ходими газ қурилмаларини кўздан кечириш учун бориши мумкинлиги, истеъмолчи газ идораси ходимига текшириш учун эркин шароит яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган. Ушбу талаб газ идораси билан истеъмолчи ўртасида расмийлаштирилган шартномада ҳам назарда тутилган. Аммо текширувчилар С.Жумақуловга қарашли иссиқхонага боришганида газ ҳисоблагич ўрнатилган хона эшиги очиб берилмаган. Бу Ф.Муродуллаев билан бирга келган холислар ҳамда профилактика инспекторида шубҳа уйғотган. Шундан сўнг улар қулфни бузиб, ичкарига киришганда, ҳисоблагичдан газ ўтаётган бўлса-да, аммо у қасддан ишламаётгани маълум бўлган.

Судлов ҳайъати биринчи босқич суди содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаган, судланувчининг айби исботлангани тўғрисида асосли хулосага келган ва С.Жумақуловнинг ҳаракатини Жиноят кодексининг 185^2-моддаси 4-қисми билан тўғри малакалаган, деган тўхтамга келди. Бундан ташқари қуйи суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **"Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"**ги қарорида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган. С.Жумақуловнинг муқаддам судланмагани, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарарнинг қопланмагани ва ишнинг бошқа ҳолатларини инобатга олган ҳамда у айбдор деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли қарор қабул қилган.

Бироқ апелляция судлов ҳайъати ишни мазмунан кўришда Жиноят кодексининг 70-моддаси талабларига таяниш лозим, деган хулосага келди. Чунки ушбу моддада жиноят содир этган шахс агар иши судда кўрилаётган вақтида намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатса, унинг қилмиши ижтимоий хавфлилигини йўқотди, деб эътироф этилса, жазодан озод қилиниши белгиланган. Бундан ташқари Олий суд Пленумининг юқорида қайд этилган қарори 2-бандида ҳам судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Жиноят кодексининг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 497^{30}-моддасида ҳам апелляция инстанцияси суди биринчи босқич судининг айблов ҳукмини ўзгартириш чоғида жазони енгиллаштиришга ёки маҳкумга нисбатан енгилроқ жиноятга оид қонунни қўллашга ҳақли экани белгиланган.

Апелляция судлов ҳайъати ана шундай инсонпарварлик тамойилларини ўзида акс эттирган меъёрларга асосланиб, биринчи босқич судининг С.Жумақуловга нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгартириш ҳақида ажрим чиқарди. С.Жумақулов Жиноят кодексининг 70-моддасига асосан, тайинланган жазодан озод қилинди. Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Навоий вилояти ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 251 миллион 250 минг сўм "Ҳудудгаз Навоий газ таъминоти" филиали ҳисоб рақамига ўтказилиши ва яна С.Жумақуловдан газ филиали фойдасига етказилган моддий зарарнинг қолган 1 миллион 696 минг сўмини ундириш белгиланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва унинг қонуний манфаатларини суд орқали адолатли ҳимоя қилиш одил судловнинг асосий мезонидир. Судланувчи С.Жумақуловнинг тайинланган жазодан озод қилиниши у ва яқинларида жамиятимизда қонун ҳамиша устуворлиги ҳамда адолат одил судлов мезони эканига мустаҳкам ишонч уйғотгани шубҳасиз.

Абдуманноб ШАЙДОЕВ,
Навоий вилояти суди раиси ўринбосари
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4445
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{30}. Топширилди: 22^{35}.